

“O`ZVAGONTA`MIR” AJ тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи

Тафтиш комиссияси раиси А.А. Шакиров ҳамда аъзолари Р.Р. Ходжабеков ва З.О. Ишимовлар томонидан “O`ZVAGONTA`MIR” AJ нинг 2022 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботлари куйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сон шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл)

“O`ZVAGONTA`MIR” AJ устав капитали 2 968 227 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2022 йил 31 декабр ҳолатига ходимлар сони 719 кишини ташкил этган. 2021 йил шу даврига нисбатан ходимлар сони 4 кишига камайган.

2022 йил 31 декабр ҳолатига ўртача ойлик иш ҳақи 4 077 615 сўмни ташкил этган. 2021 йил 31 декабр ҳолатига нисбатан 650 369 сўмга ошган.

2022 йил даври мобайнида “O`ZVAGONTA`MIR” AJ даромадлари жами бўлиб 71 562 428 минг сўмга тенг. Шундан,

- Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум – 67 966 349 минг сўмни,

- Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлар – 3 562 671 минг сўмни ташкил этган.

- Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами – 33 408 минг сўм.

Жамиятнинг 2022 йил даври мобайнида ҳаражатлари жами бўлиб 71 247 932 минг сўмни ташкил этган.

Шулардан,

- Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи 61 872 152 минг сўмни;

- Давр ҳаражатлар жами бўлиб 9 375 780 минг сўмни ташкил этган.

Шундан:

- маъмурий ҳаражатлар – 4 455 093 минг сўмни;

- бошқа операцион ҳаражатлар – 4 920 687 минг сўмга тенг.

2022 йил якунлари бўйича солиқларни тўлагунга қадар фойда 314 496 минг сўмни ташкил этган. Фойда солиғи 54 601 минг сўмни ва солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса 259 895 минг сўмни ташкил этади.

2022 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 435 693 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 9 651 745 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 7 783 948 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни 2023 йил 1 январ ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 544 938 минг сўмни, эскириш қиймати 10 551 753 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 6 993 185 минг сўмни ташкил этган.

2022 йил 1 январ ҳолатига дебитор қарздорлик 9 286 222 минг сўмни ташкил этган бўлса 2023 йил 1 январ ҳолатига 5 624 675 минг сўмни ташкил қилиб 3 661 547 минг сўмга камайган. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

2022 йил 1 январ ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 15 776 119 минг сўмни ташкил этган бўлса 2023 йил 1 январ ҳолатига эса 2 174 321 минг сўмга камайиб 13 601 798 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган жорий кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижро қилувчи органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади. Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2022 йил давомида электрон портал орқали 611 та шартнома тузилганлиги маълум бўлди.

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ нинг тафтиш комиссиясига берилган 2023 йил 30 майда 415а сонли хатига асосан 2022 йил давомида йирик битимлар, афилланган шахслар билан ва тўғридан тўғри шартномалар тузилмаганлиги маълум қилинган.

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ
тафтиш комиссияси раиси



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари



Р.Р. Ходжабеков



З.О. Ишимов